**0% лик комиссия Россия бўйлаб «Кукуруза» картасига пул ўтказмасини амалга оширган тақдирига кучга киради. Россия бўйлаб пул ўтказмалари – 1,5%, МДҲ мамлакатлари бўйлаб – 2%. Пул ўтказмасини жўнатиш ва пул олиш ҳақидаги маълумотга www.perevod-korona.com саҳифасидан аниқлик киритиб олишингиз мумкин.
Rossiya hamda MDH davlatlari uchun har qanday pul o'tkazishlar 100 000 rubldan 500 000 rublgacha – komissiyasi 1000 rubl.

Золотая Корона | ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ
ЕВРОСЕТЬ

Янги йилдан Петербург электропоездларида нархлар қимматлашади

2015 йилнинг 1 январидан Петербург ҳудудида электропоездларида йўл ҳақи тарифи оширилади, бу ҳақда Шимолий-Ғарбий йўловчи компания матбуот хизмати хабар беради.

Йўлнинг дастлабки 20 километри учун 38 рубль тўлаш лозим бўлади, ундан сўнг ҳар бир километр учун 1 рубль 90 тийин тўлаш лозим бўлади. 2014 йилда шундай тариф мувофиқ равишда 34,6 и 1,73 рублни ташкил этганди.

Беш ёшдан етти ёшгача бўлга болалар учун йўлкира ҳақи биринчи 20 километр учун 19 рубль ва ундан кейинги километрлар учун 95 тийиндан тўланади. Беш ёшгача бўлган болалар бепул юриш ҳуқуқига эга.

Қўл юки уч ўлчами 180 сантиметрдан ошган тақдирда 38 рублни ташкил этади.

Смольний сайёҳларни жалб этиш учун "Петербург ошхонаси" брендини ишлаб чиқади

Ҳукумат амалдорлари "Петербург ошхонаси" брендини ишлаб чиқиб, бу орқали шаҳарда гастроном сайёҳлигини ривожлантиришни мақсад қилишган, хабар қилади «БалтИнфо».

Ушбу ғояни сайёҳликни ривожлантириш Комитетида ва тадбиркорликни ривожлантириш Комитетларида ишлаб чиқишади. Унинг натижаси сифатида шаҳар бизнеси учун таклифлар ишлаб чиқилиши кутилмоқда, бу эса даромаднинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Ҳукуматнинг ташқи алоқалар бўйича раиси ўринбосари Сергей Марков нашриётга ушбу ғоя бир йил аввал пайдо бўлганлигини, ҳозир импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яратиш даврида янги мазмун касб этганлигини айтиб ўтди.

Сергей Марков, ташқи алоқалар бўйича раис ўринбосари – Менга ушбу бренднинг бошқа шаҳарларда ишлатилаётгани алам қилади, биз эса ғарб қадриятларига эътиборимизни қаратиб, ўз тарихимизни унутяпмиз.

Мансабдор шахснинг фикрига кўра, "Петербург ошхонаси" бренди маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга ёрдам беради.

"Лахта-центр"да фан ва технологиялар интерфаол маркази очилади

Петербургда болалар ва ёшларни илмий ижодиётга жалб этиш мақсадида интерфаол марказ очилади. Марказ Приморск районида қурилаётган «Лахта-Центр» жамоат-ишбилармонлик мажмуаси биносида очилади. Ушбу қарор Петербург губернатори Георгий Полтавченко ва «Газпром» ОАЖ бошқармаси раиси Алексей Миллер томонидан қабул қилинди, хабар беради «БалтИнфо».

Петербург ва «Газпром» ўртасидаги 2015 йилги ҳамкорлик шартномасини имзолаш чоғида интерфаол марказ қурилиши ҳақидаги келишув имзоланди.

Ундан ташқари, «Газпром» компанияси Александр боғида "Кичик шаҳар" меъморий мажмуасини шаҳарга совға қилишни мўлжалламоқда.

Қирғизистонда ОДКБнинг гуманитар маркази очилади

Моквада ниҳоясига етган ОДКБ саммитида ташкилот доирасида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишнинг ягона механизмини шакллантириш ишлари бошланганлиги маълум қилинди.

"Россиянинг фаол кўмагида ОДКБ гуманитар марказлари тизими яратилмоқда. Улардан биринчиси келаси йили Арманистонда очилади, кейинроқ шундай марказ Қирғизистонда ўз фаолиятини бошлайди",- хабар қилди касбдошларига Россия президенти Владимир Путин.

"ОДКБнинг иш фаолиятини таҳлил қила туриб томонлар тинчликни сақлашдаги ҳамкорликнинг натижавийлигини эътироф этишди".

"ОДКБнинг асосий вазифалари сифтида ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик, давлатларимиз хавфсизлигини таъминловчи механизмларни ўрнатиш бўлиб қолмоқда",-дея баёнот берди 23 декабрь куни Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев.

Алмазбек Атамбаев бугунги кунда Афғонитсон ва унинг атрофидаги ҳолат ОДКБ учун асосий муаммо эканлигини таъкидлаб ўтди. Тожикистон чегарасидаги ҳарбий мунозаралар муаммонинг нақадар мураккаблигини кўрсатмоқда.

Шунингдек Алмазбек Атамбаев Қирғизистон бундан буён ҳам ОДКБ аъзоси бўлиб қолишини айтиб ўтди.

Қирғизистонликлар Россияда масофадан ишга жойлашишлари мумкин

Россия Ташқи Ишлар министрлиги қирғизистонликларни Россияда ишга ташкиллаштирилган ҳолда ёллашнинг барча масалалари ҳал этилганлиги ва уни имзолаш қолганлиги ҳақидаги нотани юборди. Бу ҳақда «Вечерний Бишкек» порталига Меҳнат, ёшлар ва миграция Министрлигининг хорижий кучлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Улуғбек Макенов хабар берди.

У қирғизистонлик муҳожирлар Россияда қонунчиликни билмасликлари асосий муаммога айланганлигини, улар давлатга мурожаат этмай кетаётганликларини маълум қилди.

"Бизда фуқароларни ишга жойлаштириш маркази мавжуд, 2014 йилда у ерга 1,5 мингдан ортиқ фуқаролар мурожаат этишмади. Улардан кўпчилиги ўз ҳолича, таклиф билан кетиб қолишмоқда",- тушунтириш берди у.

"Биз Россия Ташқи Ишлар министрлигидан нотани олдик, россияликлар уни имзолашга тайёр. Ушбу ҳужжатга кўра Федерал Миграция хизмати лозим бўлган барча ҳужжатларни беш кун муддат ичида тайёрлайди .

Тез кунлар ичида биз ушбу ҳужжатни ратификация қилишимизга умид қиламан",- деди Макенов.

Меҳнат Министрлиги ваколатхонаси ходимлари Москва Федерал Миграция Хизмати бўлимига ташриф буюришди

Тожикистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Меҳнат Министрлиги ваколатхонаси ходимлари 18 декабрь куни Тожикистон элчихонаси ва Консуллик хизмати билан ҳамкорликда Тожикистон фуқароларини ушланиш ҳолатига ойдинлик киритиш мақсадида Москва Федерал Миграция Хизмати бўлимига ташриф буюришди.

Ваколатхонанинг матбуот котиби Иброҳим Аҳмадовнинг хабар беришича, мазкур бўлимга юздан зиёд Тожикистон фуқаролари келтирилган.

Суҳбат чоғида Федерал Миграция Хизмати ходимлари режадаги тадбирларга мувофиқ Москвадаги бир неча хўжалик субъектларида текширувлар ўтказилганлигини маълум қилишди. Бунинг натижасида бўлимга юз элликдан ортиқ хорижий фуқаролар келтирилиб, уларнинг Россияда бўлишлари қонунийлиги текширилган.

"Уларнинг ичида Тожикистон фуқаролари элликка яқин кишини ташкил этади. Уларда тегишли ҳужжатлар йўқлиги сабаб маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузилиб, кўриб чиқиш учун район судларига юборилган. Ҳужжатлари тартибда бўлган фуқаролар қўйиб юборилган",- таъкидлади И.Аҳмедов.

Шунингдек матбуот котиби федерал миграция қонунчилигининг янги талаблари, жумладан, визасиз давлатлардан келувчи фуқарлар учун чет эл паспортлари 2015 йилнинг 1 январидан кучга киришини эслатиб ўтди.

Душанбеда рус тилида чоп этилувчи ОАВ муаммолари ва истиқболлари муҳокама этилди

19 декабрь куни Душанбеда " Тожикистонда ахборот жамияти шароитида рус тилида чоп этилувчи ОАВ" Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция ишида Россия-Тожик славян университети олимлар Кенгаши, хусусан, Россия-Тожик славян университети ОАВ ва журналистик назарияси кафедраси, Тожик миллий университети ўқитувчилари, шунингдек, Хўжанд давлат университети вакиллари иштирок этишди.

Йиғилиш ишида рус тилида чоп этилувчи оммавий ахборот воситалари аудиторияси ва мақсадга йўналтирилганлик масалалари, шунингдек, Тожикистон рус тилида чоп этилувчи матбуотининг рангбаранглиги кўриб чиқилди.

Олимлар Кенгаши рус тилининг мулоқот воситаси ва ахборот алмашув воситаси сифатида кескин пасайишидан хавотирда эканликларини билдирдилар.

Сўнгги тадқиқотларга кўра рус тилида чоп этилувчи газеталарнинг 43 фоизи русийзабон журналистлар етишмаслигидан шикоят қиладилар, -дейди филология фанлари доктори Шариф Муллоев. "Ҳозирда кўпчилик рус тилида чоп этилувчи газета ва агентликларда 3 ёки 4 та профессионал журналист бор",-дея таъкидлади у.

Шунингдек, сўнгги 7 йил ичида мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларида жуда салбий силжишлар кузатилиб, хусусан, рус тилидаги газеталар тиражининг кескин тушиб кетганлиги кузатилмоқда. Муаммолар сифатида стилистика қонуниятларини билмаслик, янгиликлар йўқлиги ҳамда қайдлар ёзишдаги хатоларни ҳам санаб ўтиш лозим.

Тошкентда «Тошкент қувончлари» бешинчи халқаро болалар расмлари биенналеси бошланди

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган ушбу халқаро кўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси, Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида уюштирилди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу биеннале ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларни хориждаги тенгдошлари ижоди билан яқиндан таништириш, мамлакатда тасвирий санъат таълимини янада ривожлантириш, мактабгача ва мактаб ёшидаги ўғил-қизларнинг ижодий-интеллектуал камолотига яқиндан кўмаклашишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мазкур халқаро кўргазма турли мамлакатлар болаларининг Ўзбекистон, унинг сўлим табиати ҳақидаги билим ва тасаввурларини янада бойитади. Биенналеда беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар ижодий ишлари билан қатнашмоқда.

Эътиборлиси, улар орасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари билан бирга, жисмоний имконияти чекланган болалар, махсус мактаб-интернатлар, мослаштирилган таълим муассасалари вакиллари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам бор. Халқаро кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Бельгия, Португалия, Латвия, Ҳиндистон, Сингапур, Жанубий Корея каби 26 мамлакат болаларининг уч мингдан ортиқ расмлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда Халқаро болалар расмлари биенналеси 26 декабргача давом этади.

"Тошкент" халқаро аэропортида иккинчи "Boeing-767-300BCF" юк ташувчи лайнерининг тақдимоти бўлиб ўтди

Бу мамлакат миллий ҳаво йўллари тизими тубдан модернизация қилиниб, самолётлар парки янгиланаётганининг яна бир тасдиғидир. Мазкур транспорт воситаси иккита йўловчи самолётини қайта жиҳозлаб, юк ташишга мослаштириш лойиҳаси доирасида янги модификацияга эга бўлди. Бинобарин, маънан эскирган йўловчи ташиш ҳаво кемаларини юк ташувчига айлантириш улардан самарали фойдаланишнинг муҳим омили эканлиги дунё тажрибасидан маълум.

Сингапурдаги "Саско" компанияси авиатаъмирлаш базасида янгича кўриниш ва имкониятга эга бўлган "Boeing-767-300BCF" "Навоий" халқаро аэропорти негизидаги Интермодал логистика марказини янада ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш қудратини юксалтириш, умуман, миллий авиакомпания тизимида юк ташиш ҳажмини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Айни пайтда Зарафшон марказидан Франкфурт, Инчеон, Вена, Милан, Брюссель, Сарагоса, Дубай, Деҳли, Тяньзинь, Ханой каби шаҳарларга парвозлар йўлга қўйилган.

Биринчи муҳаббат тафти ва шимолий шаҳар: муҳожир эртаги

Питер-ҳақиқий мегаполис. Бу ерда нозикларга жой йўқ. Бу ерда ҳамма ўз ҳолича. Айниқса сен келгинди бўлсанг. Мусофир бўлсанг. Муҳожир бўлсанг. Ўзингни қандай аташингни аҳамияти йўқ, фақат бу ерда ҳар ким ўз йўлини ўзи топиши лозимлигини унутмаслик керак.

Мана мен ҳам улкан Санкт-Петербург шаҳрига куёшли Ўзбекистондан келдим. Мен бу ерга пул ва бахт излаб келдим. Уёқдаги бахтсиз турмушимдан, бежавоб муҳаббатимдан, меҳр қўёлмаган ишимдан қочдим, деса ҳам бўлади. Онамга болаларимни ташладим, болажонларимга ҳозир отаси уларни боқа олмаслигини, айни дамда унга қийинлигини тушунтирдим, Санкт-Петербург шаҳрида ишлаётган холажонлари мени чақираётганлигини, кўп пул ишлаб келишимни ётиғи билан тушунтирдим. Бахтимга болаларим мени тўғри тушунишиб, ҳаттоки кетар чоғимда йиғи-сиғи ҳам қилишмади. Уларга бу нарсалар вақтинчалик эканлигини тушунтирган эдимда.

Олис Россиянинг шимолий пойтахтида мени синглим кутиб олди, ваъда қилганидек дўконга сотувчи қилиб жойлаштирди. Бошида жуда қийин бўлди-ҳам руҳан, ҳам моддий томондан қийналардим. Синглимдан ҳар бир майда-чуйда нарса учун пул сўрашга ийманардим. Бегона шаҳарда болаларимсиз, уларнинг меҳрисиз ёлғизлигим мега тинчлик бермасди. Кечаси билан билдирмай йиғлаб чиқардим. Об-ҳавосиям ёқмади- қанақадир совуқ, зах экан. Ҳадеб ўтмишимни ўйлайверишим ҳам менга тушкунлик келтирарди: ота-онамнинг қистовлари билан узоқ қариндошимизга турмушга чиқдим, менам, уям бир-биримизни ёқтирмасдик. Биринчи учрашувдаёқ у менга мажбур бўлиб уйланаётганини тушунтирди. Шу тарзда тўйимиз ҳам бўлиб ўтди- меҳмонлар мамнун, аммо кўнгиллар маҳзун. Ахир мен синфдошим Дониёрни яхши кўрардим, аммо у мени севгимдан мутлақо бехабар. Мен уни кўримсизгина, уятчан, таъсирчан йиғлоқи ўсмир қизалоқлигимдан бери яхши кўриб яшаб келаман. Ҳозир ҳам шундайлигимча қолганман, аммо опа-сингилларимниг сўзларига қараганда жуда очилиб кетибман ва "қурбақадан маликага айланибман".

Муҳаббатсиз оилага ҳаётимнинг 15 йилини бағишлабман. Худойим менга 14 яшар ўғил ва 6 яшар қизалоғимни бахш этди. Четдан қараганда барчаси аълодек кўринарди - ўз уйим бор, нуфузли институтда маъруза ўқийман, оилани таъминловчи эрим бор. Аммо яшаб ўтаётган ҳар бир кунимиз мен ва эрим бир биримизга мутлақо бегона инсонлар эканлигимизни яққолроқ исботлаб борарди. Тўғри, турмушимизнинг илк йилларида мен эримга бор меҳримни бериб, биринчи муҳаббатимни унутишига ҳаракат қилдим, аммо кўнгилга буйруқ бериб бўлмас экан. Баъзан ўзимни нега Дониёрга биринчи бўлиб севгимни айтмадим, дея урушардим, аммо қизлик номус-ғурури бизда биринчи ўринда туради.

Фарзандларим туғилгач, уларга бор меҳримни бериб, туйғуларимни четга суриб қўйдим. Ўғлим ҳам тасодифки, биринчи муҳаббатимнинг туғилган кунида дунёга келди. Буни тақдир туҳфаси дея билиб, уни унутолмаслигимни яна бир бор тушундим.

Вақт ўтган сари ҳафталаб уйга келмай қўйган эримни ҳам айбламай қўйдим, ахир юракка буюриб бўлмаса, нима қилсин у бечораям? Шунда кўзимга бир чора кўриндикетиш. Уйни тарк этиш.

...Мана, мен бегона шаҳарда дераза олдида турибман, ташқаридаги эринмай ёғаётган қор парчаларига қараб, ёш боладек мўъжиза кутяпман. Эртак, сеҳргарлик содир бўлишини кутяпман. Аммо ҳаётимда мўъжиза содир бўлишга улгурди. Бир куни дўконда тунги сменада ишаётган чоғимда бир харидор атайлабми, бехосданми пештахтада газетани қолдириб кетди. Одатимга кўра газета варақлай бошладим ва юридик фирмага ишга таклиф ҳақидаги эълонга дуч келдим. Ўзбек тили таржимони керак экан. Мен кўзларимга ишонмасдим!

Эртаси куниёқ мен эълондаги телефон рақамларини тердим ва овозидан жуда жиддий инсонга ўхшовчи ходимлар бўйича менежер мени суҳбатга таклиф қилди. У жиддий бўлиш баробарида яна ўтакетган интизомли экан- аниқ айтилган вақтга етиб келди. У менга ўзимга ўхшаган таржимонлар тиқилиб ётганини, қатъий танловдан ўтишим лозимлигини тушунтирди. Олдинда мени осон бўлмаган синовлар кутсада, мен чўчимасдим. Бошим билан ишга шўнғидим- тест топшириқларини бажардим, ҳуқуқий адабиётни ва масалаларни ўргандим, ишим ҳам борган сари менга ёқиб борарди. Ўзим излаган ишни топганимни тушундим. Бир ойлик синов давридан сўнг раҳбар (у аслида жуда меҳрибон ва тушунувчи инсон экан) менга расмий тарзда ишга қабул қилинганлигимни ва баъзи масалаларни гаплашиб олиш лозимлигини маълум қилди.

Қувончимнинг чеки кўринмасди! Мен кичкина қизимдай ҳам сакраб, ҳам йиғлардим. Бутунлай бегона шаҳар менга бахт берди. Бу ерда мен излаганимни топдим. Ишим ҳам яхши тўланадиган. Мана энди мен онамга ва болаларимга улар бемалол яшашлари учун пул жўнатсам ҳам бўлади. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмасди. Бу ерда мен Анна исмли қиз билан танишиб қолдим, у қиз газета таҳририятида ишларкан, биз у билан хайрия концертида танишиб қолдик. У жуда меҳрибон инсон бўлиб, баъзан мен у билан дардлашардим. Бир куни дастурхон атрофида унга мен нимагадир биринчи муҳаббатим тарихини айтиб бердим. Ўзбек қизи ҳеч қачон биринчи бўлиб севги изҳор қилмаслигини тушунтирдим. Анна у ҳозир нима иш қилишини, оиласи, болалари бор-йўқлигини суриштирди. Мендаги маълумотларга кўра (шаҳримиз кичкинагина бўлиб, опам менга у ҳақидаги янгиликларни етказиб турарди) у ҳам оиласидан ажрашган бўлиб, шаҳримиздаги энг катта заводда ишлаётган, болалари йўқ, хотини Америкага кетиб қолган эди. Бўлди. Анна мендан бошқа ҳеч нарса сўрамади...

(Биринчи қисм тугади)

Дилфуза Сатторова

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди"

Красное село ҳудудида жойлашган ва меҳнат муҳожирлари ватанларига депортация қилинишини кутаётган Муҳожирларни вақтинчалик ушлаб туриш марказига қўлдан келганча ёрдам бермоқда.

Бу ерда ушлаб турилганларнинг кўпчилиги билмасдан Россия Федерацияси қонунини бузганлиги, фирибгарларнинг тузоғига учраганлиги ёки виждонсиз иш берувчиларнинг қурбонига айланганлиги сабаб оғир шароитларда уйга кетишларини кутишга мажбур бўлмоқдалар.

Биз миллий ташкилотлар оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган инсонларга ёрдам қўлини чўзиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун азиз ўқувчилар, сизларни "Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди" хайрия акциясида қатнашишга чорлаймиз. Янги йил арафасида савоб ишга қўл уринг, ёрдам қўлини чўзинг!

Эҳтиром ила, "Турон" газетаси таҳририяти

БУЮМЛАРНИ ЙИҒИШ МАНЗИЛИ:

Санкт-Петербург, «Ломоносовская» метроси, Бабушкина кўчаси, 52-уй, литер А, офис 27-Н.
Иш вақти: 10.00 - 18.00

Телефон: +7(812)-309-73-06.

«ШАҲАР ЖАМҒАРМА МАРКАЗИ» КРЕДИТ ИСТЕЪМОЛ КООПЕРАТИВИ

Ўрта Осиелик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома езиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

2014 йил меҳнат муҳожирига нималарни берди ва 2015 йил нималарни беради

2013 йил мобайнида Россияда миграция борасида 30 га яқин қонун ва эски қонунларга тузатишлар киритилиб, буларнинг катта қисми амал қилишни бошлади. Ундан ташқари одамлар орасида қонунлар қатъийлашгани ҳақида гап-сўзлар ҳам тарқалди.

Ярим йил ичида уч ойдан кўп бўлмаган вақт

Эндиликда Россияга виза олишни талаб этмайдиган тартибда келган хорижий фуқаролар (асосан МДҲ давлатларидан) агар қолишлари учун рухсат берувчи ҳужжатлари бўлмаса, 180 кун давомида умумий миқдорда 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қолишлари мумкин. Ушбу қоидалар "Россия Федерация ҳудудига кириш ва Россия Федерациясидан ҳудудидан чиқиш қоидалари ҳақидаги" ва "Россия Федерацияси ҳудудида хорижий фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги" қонунларга ўтган йилнинг охирида қабул қилинган янги тузатишлар киритилганини назарда тутади.

Шундай қилиб, 2014 йилнинг 1 январидан хорижий фуқароларнинг умумий сонининг 10 фоизи ичида амалиётга айланиб улгурган ҳар уч ойда Россия ҳудудидан ташқарига чиқиш (асосан, Туркия ёки Украинага) энди ёрдам беролмайди. Ушбу тартибга амал қилмаслик энг яхши ҳолда Москва ёки Санкт-Петербург шаҳрида 5-7 минглик, ҳудудларда 3-5 минглик жаримага айланса, ёмон ҳолда депортация ва Россия ҳудудига 3 йилдан (биринчи марта бўлса) 10 йилгача (агар фуқарога кириш аввал ҳам тақиқланган бўлса) киришга тақиқ қўйилишга сабаб бўлиши мумкин.

Тожикларни рўйхатдан ўтказиш учун 15 кун

Россия Федерацияси ҳудудида Тожикистон фуқароларини ҳисобга қўйиш муддатларини назарда тутувчи қонун 2014 йилнинг 17 январидан кучга кирди. Аввал ушбу муддат қолган барча давлат фуқаролари учун каби 7 кун берилган эди.

Энди Россия ҳудудига келган Тожикистон фуқаролари келган жойлари бўйича 15 кун ичида рўйхатдан ўтишлари мумкин, Россия ҳудудида бундан кам муддатга келган фуқаролар эса яшаш жойлари бўйича рўйхатга турмасликлари ҳам мумкин. Ушбу ўзгаришлар фақат Тожикистон фуқароларигагина тааллуқлидир.

"Резина" хонадонлар билан кураш

2014 йилнинг 1 январидан кучга кирган яна бир ўзгариш хорижий фуқаронинг яшаш жойидан рўйхатга ўтишига алоқадордир. Аниқроқ айтганда, ушбу соҳада қонун бузилиши учун жазонинг қатъийлашганидир.

Эндиликда хорижий фуқарони сохта рўйхатдан ўтказгани учун тартиббузар 100 мингдан 500 минггача жарима тўлаши мумкин (ёки уч йил муддат ичидаги ойлик маош миқдорида), ҳатто уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Бунда жавобгарликка хорижий фуқарони рўйхатга қўйган бино эгаси ҳам, хорижий фуқаронинг ўзи ҳам тортилиши мумкин. Шунингдек, агар хорижий фуқаро ўзи яшаётган манзилда рўйхатдан ўтмаган бўлса, ушбу ҳаракати билан у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиб, 2 мингдан 3 минггача жаримага тортилиши мумкин, бунга йўл қўйган хонадон эгалари эса 2,5-5 минг рубль жаримага тортиладилар.

Эндиликда Федерал Миграция Хизмати ва Ички Ишлар бўлими ходимларининг рейдлари сони ҳам ошиб боради, бунга қўшни хонадон эгаларининг оддий шикояти ҳам асос бўлиши мумкин.

Иккита тартиббузарлик учун-чиқариб юбориш ва киришга рухсат бермаслик

Янги йилдан бошлаб бир неча марталик (икки ва ундан ортиқ) маъмурий ҳуқуқбузарлик учун хорижий фуқаро жаримага тортилиши ва депортация қилиниши мумкин.

Соддароқ қилиб айтганда, агар хорижий фуқаронинг икки марта қонун бузганлик ҳолати аниқланса, масалан, йўл ҳаракати қоидалари бузилиши, Россия ҳудудида бўлиш (яшаш) тартибини бузиш (рўйхатга турмаслик) ёки меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартибини бузиш (ишга рухсатномасиз ишлаш), бундай ҳолатларда хорижий фуқарони жаримага тортиб, Россия Федерацияси ҳудудидан чиқариб юбориб, киришни уч йилгача тақиқлашлари мумкин (агар бу биринчи депортация бўлса). Иккинчи марта қайтарилган ҳолатда киришга тақиқ беш йилни, учинчи мартада эса ўн йилни ташкил этиши мумкин.

Миграция ҳисобини бузганлик, кириш ва бўлиш тартибларини бузиш, бўлишнинг маълум қилинган мақсади ва Москва, Санкт-Петербург, Мовква ва Ленинград областларида рухсатномасиз меҳнат фаолиятини амалга оширганлик учун муҳожирдан 5 мингдан 7 минггача жарима ундирилиб, у Россия Федерацияси ҳудудидан маъмурий чиқарилиб юборилиши мумкин.

Муҳожир учун тиббий суғурта

Россия Федерация Меҳнат Кодексига киритилган ўзгаришларга кўра хорижий фуқаро ихтиёрий тиббий суғурта полисига эга бўлиши шарт бўлиб, бу ҳақидаги маълумотлар иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган бўлиши лозим. Акс ҳолда иш берувчи, агар янги ҳужжатлар бир ой давомида расмийлаштирилган бўлмаса, меҳнат шартномасини бекор қилиши лозим. Агар кўрсатилган шартнома (полис) иш берувчи томонидан расмийлаштирилган бўлса ёки иш берувчи томонидан тиббий ташкилот томонидан хорижий фуқарога тиббий хизматлар кўрсатишга оид шартнома имзоланган бўлса, ихтиёрий тиббий суғурта полиси керак бўлмайди.

Бунда хорижий фуқаро ишга рухсатномани олиш учун ҳужжатларни топшириш чоғида тиббий маълумотномани ҳам тақдим этишга мажбур бўлади.

Муҳожирларда ИНН (СТИР) бор

"Россия Федерацияси ҳудудида хорижий фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги" федерал қонунга киритилган янги тузатишларга кўра ишга рухсатнома ёки патент олишга ҳужжатларни топширган ҳар бир хорижий фуқаро солиқ органида ҳисобга қўйилади ва солиқ тўлоқчининг идентификацион рақамини олади (СТИР).

Талабалар учун иш

2013 йилнинг июлида Россия Федерацияси президенти Владимир Путин томонидан "Россия Федерацияси ҳудудида хорижий фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги " қонунга ўзгаришлар тасдиқланиб, бунда 2014 йилнинг 1 январидан хорижий фуқароларнинг ишга киришига ҳуқуқий асослар яратилган.

Тузатишлар ариза берувчи талабанинг топшираётган ҳужжатларини минимал даражада камайтиришни, унинг ҳужжатларини тезлаштирилган тартибда кўриб чиқишни ва рухсатномани ҳар йили ўрнатиладиган квоталарсиз беришни амалга оширишни назарда тутади.

Бунда хорижий фуқаро ўзи ўқиётган олий ўқув юрти жойлашган шаҳар (область) ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириши мумкин. Ўқиш кундузги бўлимда бўлиши, олий ўқув юрти эса давлат аккредитациясидан ўтган бўлмоғи лозим. Аввал талабаларга фақат ёзги таътил вақтидагина ишлашга рухсат бериларди.

Вақтинчалик яшаш учун рухсатномаларга квоталар

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар учун вақтинчалик яшаш учун рухсатномаларга квоталар 2014 йили аввалги йили 105 мингга зид равишда 95,8 мингга туширилди. Бунга оид фармойишни Дмитрий Медведев 6 декабрь куни имзолади.

Россия ҳайдовчилик гувоҳномалари

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги" қонунга 2013 йил май ойида қабул қилинган тузатишларга кўра ҳайдовчи бўлиб ишлаётган барча хорижий фуқаролар 2014 йилнинг 9 май кунига қадар Россия ҳайдовчилик гувоҳномаларини олишлари лозим. Аввалроқ қонун лойиҳасида муддат 5 ноябрь қилиб кўрсатилган эди, аммо кейинчалик муддат сурилди.

Қонундаги янги тузатишлар хорижий фуқароларнинг миллий гувоҳномаларини кўрсатиб, фақат назариядан имтиҳон топшириб, Россия гувоҳномаларини олишларига имкон беради. Россия гувоҳномаси йўқ ҳолатда хорижий фуқародан 50 минг рубль миқдорида жарима ундирилади.

Ишга рухсатномалар ўрнига патентлар

Владимир Путин Россия Федерал Миграция Хизматига апрелгача патент асосида нафақат хорижий шахсларни, балки юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам ишлаш имкониятини берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга кўрсатма берди. Патент амал қилиши, худди ишга рухсатнома каби маълум бир ҳудудда чегараланиб, ҳудудларга патент қийматини мустақил равишда ўрнатишига имкон беради.

Рус тили ва тарихини билиш бўйича мажбурий тестлар. Юзага келган барча саволлар бўйича сиз «Ўрта Осиёлик муҳожирларга ёрдам кўрсатиш Фонди»га мурожаат қилишингиз ёки иш кунлари.

309-73-06 телефон рақамига (10.00 дан 18.00 гача) телефон қилишингиз мумкин.

Манба: www.m24.ru ва russiaforall.ru

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда. Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!

Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:

- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
- ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- қарз маблағи олишда юридик маслаҳат

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- Рус тили машғулотлари
- Маданий ҳордиқ ва хайрия тадбирлари
- илмий семинарлар ва анжуманлар

ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии

Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)

Телефон: 8 (812) 309-73-06 Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан юридик масалалар бўйича мутахассис ва реклама бўйича менежер (аёл киши), ҳамда «Турон» газетасига чоп этувчи муҳаррир (ўзбек тилига), газета учун рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига таржимон ва газета тарқатувчи ишга таклиф этилади.

НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ:

*** рус тили ва РФ қонунларини яхши билиш; * киришимли; * жамоада ишлай билиш; * самимий, одобли; * компьютерни яхши билиш.**

Керакли малакага эгалиги ҳақидаги тегишли рухсатномаларга эга бўлиши шарт.

Миграция масалалари, Фонд ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади.

Ломоносовская метро бекати. Бабушкина кўчаси 52 уй, офис 27н. Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19.

ФИНАНСОВАЯ СКОРАЯ ПОМОЩЬ

Займы гражданам Узбекистана и Таджикистана от 1000 до 10 000 руб.

Қарз олинг! Ўзбекистон ва Тожикистондан келган меҳнат муҳожирлари учун 1000 дан 10 000 рублгача.

Дарёфти қарзи хурд! Барои муҳоҷирони меҳнатӣ аз Тоҷикистон ва Узбекистон. Аз 1000 то 10 000 рубли руси.

Тел.: 715-21-21
м. Пионерская, Богатырский пр., 7
Универсам "Перекресток"

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Мария Максимычева
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина

Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Юлдуз Ядгарова
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров

Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1374. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 25.12.2014, фактическое – 25.12.2014
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Мария Максимычева
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Юлдуз Ядгарова

Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриет уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06
Газета тиражи: 15 000 нусҳада.

ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1374. Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390. Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 25.12.2014 соат 18.00, ҳақиқий вақти – 25.12.2014 соат 18.00